



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 25 апрель, № 79 (5753)

Пайшанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 апрель куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари икки томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари узоқ муддатли асосда барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Давлатлараро муносабатлар ва ишбилармон доиралар, фантализм соҳаси, Ўзбекистон ва АҚШнинг фуқаролик жамиятлари вакилларининг самарали ҳамкорлиги ўзаро ҳурмат ва манфаатларни инобатга олиш

тамоиллари асосида изчил ривожланимоқда. Сухбат асосида томонлар долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, Афғонистондаги ҳозирги вазият юзасидан фикр алмашди.

Давлат котибининг ёрдамчиси самимий қабул ҳамда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик

изхор этди, АҚШ раҳбарияти турли соҳаларда Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида бундан буён ҳам бир-галликда иш олиб бориш тарафдори эканини қайд этди.

(Ў.А.)

Сарвар ҲУРАМОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни муқофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдаги катта хизматлари учун фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Инамова Светлана Турсуновна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар муқофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Нурметова Реймажон Абдуллаевна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Боғот тумани таянч пункти директори, Хоразм вилояти

Юлдошев Даврон — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Нурота тумани таянч пункти директори, Навоий вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Пашакулова Сакина Аббасовна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Ангрен шаҳар таянч пункти директори, Тошкент вилояти

Усманова Юлдузхон Маматкуловна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Сирдарё вилояти минтақавий филиали директори

«Дўстлик» ордени билан

Джамбекова Сияре Сулеймановна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тиббий-ижтимоий маркази шифокори

Нетесова Ирина Евгениевна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бош ҳисобчиси

Рахмонова Раҳима Рашидовна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Самарқанд вилояти минтақавий филиали директори

«Шухрат» медали билан

Артиков Хайрулло Далолович — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия

жамғармасининг Наманган шаҳар таянч пункти директори, Наманган вилояти

Бойров Бахриддин Уралович — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти минтақавий филиали директори

Ибрагимова Мунаввар Ибрагимовна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти минтақавий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ҳамшираси

Тошпулатова Масуда Джураевна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Олмазор тумани таянч пункти директори, Тошкент шаҳри

Тошбоев Абдулло Хурамович — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти минтақавий филиали бош ҳисобчиси

Тургунов Усманжон — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Андижон вилояти минтақавий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ҳайдовчиси

Халиков Фирдавс Давранкулович — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси Ташкилий-услубий бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 апрель

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Тошкентда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари, мамлакатимиз ва бошқа давлатлар тиббиёт муассасалари мутахассислари, жамғарманинг ҳамкорлари — халқаро ташкилотлар вакиллари, юртимизда фаолият кўрсатётган хорижий дипломатлар қатнашди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқи шиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан 2013 йил 23 апрелда қабул қилинган Фармонида мувофиқ бир гуруҳ ходимлар давлат муқофотлари билан тақдирланди. Тадбирда Ватанимизнинг ана шу юксак муқофотлари топширилди. Ўзбекистон истиқлолга

эришгач, ўз тараққиёти ва аниқ ижтимоий йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар йўлини танлади. Мамлакатимизда аҳолининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Шу боис жисмонан соғлом, маънавий етук, ақл-заковати юксак, мустақил фикрлайдиган ва келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

(Давоми 2-бетда).



ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ ИННОВАЦИЯЛАР



Кеча «Ўзэкспомарказ» мажмуасида VI Инновацион Ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси иш бошлади.

Иқтисодиётда рақобат кучайган бугунги замонда унинг тармоқлари ривожини илм-фан ютуқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Нега деганда, ишлаб чиқаришга интеллектуал салоҳият маҳсуллари бўлган илмий ҳажмдор, юқори самарали ишланмалар, илгор инновацион технологияларни татбиқ этмасдан туриб, ички ва ташқи бозорда хариддоригар

маҳсулотлар тайёрлаш мушкул. Шу боис республикаимизда илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва унинг ютуқларидан оқилона фойдаланиш масаласига тараққиётнинг муҳим омили сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатланти-

риш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори, айтиш жоизки, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириб, илмий муассасалар томонидан яратилаётган инновацион ишланмалар орасидан энг истиқболлиларини амалиётга жорий қилишда дастурийлашмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ЯХШИ ХАБАРЛАР

Боёвут чинниси

Боёвутлик тадбиркор Бекзод Йўлдошев чинни идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Қалкут сервис" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, 20 нафар йигит-қизни иш билан таъминлади.

— Банк ажратган 30 миллион сўмлик кредит фаолиятимизни йўлга қўйишда қўл келди. — дейди корхона раҳбари Б. Йўлдошев, — Хом ашё — коалитни Ангрен шаҳридан, майдаланган шағални эса Қашқадарёдан олиб келаямиз. Маҳсулотимизнинг асосий қисми маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани боис унинг таннари арзон. Сифати эса Хитой чиннисидан қолишмайди.

Соҳибкорлар учун тавсиялар

Жорий йилда Сирдарё вилоятида янги тоқорлар барпо этиш учун 121 гектар ер ажратилди. Айни пайтда ушбу майдонларга турли навадаги 182 минг тупдан зиёд қўчатлар ўтказилиб, парварши қилинмоқда.

Таъкидлаш кераки, вилоят иқлим шароитига мос узумнинг саннатбон навларини кўпайтириш боғбонлардан катта бўлиш ва кўникма талаб этади. Сирдарё туманида ташкил этилган кўргазмали семинарда асосий эътибор ана шу масалага қаратилди. Унда қатнашган фермер хўжаликлари раҳбарлари вилоятнинг шўржок ва чўл шароитида тоқорлар барпо этиш ҳамда ундан мўл ҳосил этиштириш бўйича ўзаро тажриба алмашдилар. Шунингдек, тадбир иштирокчиларига мутахассислар томонидан зарур тавсиялар берилди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ИННОВАЦИЯ

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори пойтахтимизда ҳам улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кўҳна ва замонавий меъморчилик ютуқларини ўзида уйғунлаштирган маҳобатли бинолар, кенг, раво, саришта йўллар, обод манзиллар, гўзал боғу роғлар, ям-яшил ҳудудлар шаҳарга ўзгача жозиба бахш этиб турибди.

Шуларга уйғун тарзда кўчалар, сайилгоҳлардаги ранг-баранг паннолар, ёриткичлар, реклама конструкцияларнинг ёрқин ва ўзига хос дизайни Тошкент оқшомига янада файз бағишлайди. Бу эса пойтахтликлар, меҳмонлар, хорижлик сайёҳларга кўтаринки кайфият, ажиб бир завқ улашишини айтмайсизми?

Таъкидлаш жоизки, шаҳар қиёфасининг янада гўзал бўлишида нафақат ободонлаштириш ва қурилиш ташкилотлари, балки "Ўзбекэнерго" ДАКнинг "Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" очик акциядорлик жамияти жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Чунки ушбу ташкилот бир қатор индустриал объектларини электр энергияси билан узлуksиз таъминлашдек масъулиятли вазифани муносиб адо этиб келаяпти. Хусусан, Тошкентнинг бета-корр марварид шодасидан жой олган "Бунёдкор" стадиони, Алишер Навоий кўчасида қад ростлаган кўп қаватли тураржой бинолари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, "Сайилгоҳ" майдонининг тунги нурафшон

айланган. Коммунал соҳа, хусусан, электр энергияси таъминоти тармоғида ҳам ушбу имкониятлар кенг қўлланилаётгани фуқаролар учун айни мuddао бўлмоқда. Юқорида таъкидланган комплекс дастур рўёби ҳам электр энергияси учун маблағларни ўз вақтида тўлаш самарадорлиги, ҳисоб-ки-тоб ва тўловлар шаффофлиги ҳамда ишонглигини янада оширишга хизмат қилаётир. Шу асос-

лумот етказилишини таъминлайди. Унда ҳозирги ҳисоб баланси, ҳисоблағич кўрсаткичлари, аввалги ҳисоб-китоблар ва жорий тўловларга оид маълумотларни олиш имконияти мавжуд. Ўз навбатида, ушбу қулайлик восита ёрдамида носозликларни бартараф қилиш учун мутахассисдан кўрсатма олиш, ҳисоблағични алмаштириш учун инспекторни чақириш ҳам мум-

кин. Қолаверса, у реал вақт режимида электр энергияси таъминоти корхоналари фаолиятини мониторинг қилишга имкон беради. Буларнинг барчаси "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси томонидан истеъмолчиларга кўрсатилаётган

Шундай қилиб истеъмолчининг мобил телефони пластик картчоқда бевосита уланади. Бошқача айтганда, сиз исталган пайтда уяли телефон кўмагида ортиқча оворгарчиликсиз пластик картчоқдаги маблағингизни бошқариш, хусусан, электр энергиясига ҳақ тўлаш имкониятини қўлга киритасиз.

Қўшимча маълумотларни олиш учун www.uzbekenergo.uz сайтига мурожаат қилиш мумкин.

Усмон УСМОНОВ.

ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР

электр энергияси таъминотидаги хизмат сифатини оширади

жамолини кўриб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

— Шулар қаторида аҳоли учун қатор қулайликлар яратиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаёпти, — дейди корхона раҳбари Махамат Икрамов. — Жумладан, электр таъминоти учун ҳақ тўлаш ҳамда уни ҳисобга олиш жараёни изчил такомиллаштирилиб, соҳага янги усуллар жорий этилаётир. "Фидо бизнес" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда "Электр энергиясини ҳисобга олиш" комплекс дастури амалиётга татбиқ этилгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Ҳўш, мазкур лойиҳа қандай афзалликларга эга?

Маълумки, бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига

да электр энергиясига ҳақ тўлаш тизими соддалаштирилиб, ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш назорат механизмлари қучайтирилди. Натижада мазкур янгиликдан фойдаланаётган ҳар бир инсон вақт, масофа ва ортиқча сарф-харажатларни тежашдек қулайликка эга бўлаяпти.

Кўрсатилаётган хизматларга ҳақ тўлашнинг бундай такомиллаштирилган усули тижорат банклари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Раунет" ва "SMS-to'lo'" тизимларига жорий этилган. Демак, ҳамюртларимиз улар орқали мамлакатимизнинг бошқа туман ёки шаҳаридан ҳам тўловларни амалга ошириши мумкин.

Дастур "он-лайн" технологиялари ёрдамида истеъмолчиларга "шахсий кабинет" ёки SMS-хабар орқали тезкор маъ-

Хулоса ўрнида айтганда, аҳолини узлуksиз электр энергияси билан таъминлаш машаққатли, масъулиятли вазифа бўлиш баробарида, минглаб одамларнинг меҳнати натижасидир. Бинобарин, ундан оқилона фойдаланиш ва истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш бурчимиздир. Уни тўлик бажариш эса мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
принтер ускуналарини етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.
Танловда қатнашиш тўғрисидаги аризаларни (банк томонидан белгиланган шакл бўйича) йўллаган юридик шахсларга танлов ҳужжатлари мазкур эълон чоп этилган сананинг эртасидан бошлаб 7 календарь кунни мобайнида компания (фирма)нинг улгуржи маҳсулот етказиб бериш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилиш шарти билан берилди.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ
2013/2014 ўқув йилига 2006 йилда тугилган иқтидорли ўғил-қизларни ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА ЙўНАЛИШЛАРИ Бўйича танлов асосида ўқишга қабул қилинади.
Аризалар 2013 йил 1 майдан 31 майданга қабул қилинади. Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган Иқтисодийётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини аниқлаш бўйича танлов эълон қилади.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокчи рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
«Capital Realtor Group» МЧЖ Андижон вилояти филиалида 2013 йил 31 май кунини соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулк объектлари кўйилмоқда:
1. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 18 апрелдаги 36-сонли буйруғига асосан хатланган, Қўрғонтепа тумани ҳокимлиги балансидаги, Қўрғонтепа тумани, «Савай» ҚФЙ, «Янги бўстон» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 964,1 кв.м., қурилиш ости майдони 372,7 кв.м. бўлган 31-сонли мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари.

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар хўжалик сундинг 2012 йил 20 августдаги №10-1207/12661-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмакўча кўчаси, 21-уйда жойлашган, умумий майдони 3183,0 кв.м., жойлашган ер майдони 7276,0 кв.м.дан иборат мамурий бино ва оմборхоналар кўйилмоқда.
Бошлангич баҳоси — 1 081 097 000 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 24 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йил 24 май кунини сотилмаган тақдирда, тақдирий аукцион савдоси 2013 йил 14 июни кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

«SN INVEST» КОМПАНИЯСИ
қуйидагиларни етказиб беради:
• гўзалроқ ўрайдиган комбайн
• ўт ўрайдиган комбайн
• макка ўрайдиган комбайн
• жўхори йиғувчи комбайн
• КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
• пресслайдиган мослама
• сомон йиғувчи мосламалар
• тракторлар
• боғ ва ферма учун тракторлар
• гусеницалий тракторлар
• картошка терайдиган комбайн
• картошка экайдиган комбайн
• бугдой экайдиган севялка
• дори сепайдиган мосламалар
• сачратиб сугурувчи мосламалар
• ем майдалаб таркатувчи техника
• культиваторлар
• плуг, айланма плуг,
• дискили плуг
• юкловчи экскаватор, бульдозер

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ
наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:
ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ
собственного производства на стеклотканной основе.
Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН



янгиликлари

Давлат солиқ кўмитаси тизимида жорий қилинган "Ишонч телефон"-лари орқали солиқ тўловчилар мурожаатларини ўрганиб, юзага келаятган муаммолар ечимини топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мурожаатлар мунтазам ўрганилмоқда

Барча давлат солиқ хизмати органларига фаолият юритаётган "Ишонч телефон"лари солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари, солиқ тўловчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний маффаатларини ҳимоя қилишда самарали восита бўлиб хизмат қилаётир.

Айтиш керакики, мурожаатларнинг аксарияти савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида савдо қоидаларининг бузилганлиги ҳамда шу билан боғлиқ масалалар ҳусусидадир.
Жумладан, 2013 йил 1 апрель ҳолатига кўра, шу тартибдаги фуқаролар мурожаатлари асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида назорат-касса машинасидан чек бермаслик бўйича 294 та, тегишли ҳужжатларсиз маҳсулотлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш юзасидан 176 та ҳамда бошқа 27 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, айбдорларга нисбатан жазо чоралари белгиланди.

А. ИСМОИЛОВ.

Мамлакатимизда ёшларнинг солиқ соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўрик-танлов яқунланди

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган "Солиқ билимлари — болаларга" республика кўрик-танлови бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.
Жорий йилги танловда мамлакатимиздаги барча мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари фаол қатнашди.

Танловнинг яқуний босқичи Солиқ академиясида бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 28-мактаб ўқувчиси Латофат Матёқубова, Урганч ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Аҳдам Исмоилов, Бўхоро шаҳридаги 23-мактаб ўқувчиси Нозима Ҳақимова ва Тошкент солиқ коллежи ўқувчиси Абдор Раҳимов турли йўналишлар бўйича солиқчиларни қўлга киритди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири.

БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ БЕЛЛАШУВИ

Юксак интеллектуал салоҳият, бой тафаккур ва кенг дунёқараш соҳиби бўлиш юртимиз ёшларининг эзгу орзу-мақсадларидан биридир. Буни илм-фан, санъат, спорт каби йўналишларда иқтидор ҳамда қобилиятини намойён этишга муваффақ бўлаётган ўғил-қизлар шашту шижоатидан ҳам яққол англаш мумкин.

ТАЪЛИМ



Албатта, бу каби ижобий натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Зеро, мамлакатимизда ёш авлоднинг замонавий асосда пухта билим олиши, маънан ва жисмонан етук шахс сифатида шаклланиши учун барча имкониятлар муҳайё қилинган.

Айни пайтда таълим-тарбиянинг "Ўзбек модели" бутун жаҳонда катта қизиқиш билан ўрганилиб, қўлга киритаётган ютуқларимиз эътирофу таҳсинларга сазовор бўлаётганлиги ҳам ушбу фикрнинг ҳаётий тасдиғидир.

Пойтахтимиз мезбонлик

қилаётган нуфузли тадбир — мактаб ўқувчиларининг кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасига ташриф буюрган соҳа экспертлари ҳам ана шундай илиқ фикрларни билдиришарди.

— Мамлакатингиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси бугун кўпчилигида ҳавас уйғотмоқда, — дейди М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессор Валентин Ненайденко. — Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистоннинг олис қишлоқларида қад ростилаган замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, ўқувчиларнинг илм олишга бўлган интилишини рағбатлантириш йўлида бажарилаётган хайрли юмушлар —

буларнинг бари юртингизда ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

Халқаро олимпиаданинг тантанали очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизimini янада такомиллаштиришга қаратилган изчил ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, мактаб ўқувчиларининг кимё фани бўйича халқаро Менделеев олимпиадаси орадан беш йил ўтиб, яна Тошкентда ўтказилиши ҳам ёшларимиз истеъдоди ва юртимиз илм-фани ривожининг жаҳон миқёсидаги эътирофидир.

Фан олимпиадасида Ўзбекистон, Беларусь, Венгрия, Озарбайжон, Македония, Молдова, Руминия, Россия, Украина, Саудия Арабистони сингари 17 мамлакатдан 117 нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Халқаро беллашувнинг назарий билимлар синови ва амалиёт йўналишидаги барча босқичлари Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали биносида бўлиб ўтади.



— Менделеев номидаги халқаро олимпиадада тўртинчи бор иштирок этаёямиз, — дейди Саудия Арабистони терма жамоаси раҳбари, доктор Абдулазиз Ал Харси. — Мазкур нуфузли тадбирга катта тайёргарлик кўрдик. Чунки бу ердаги барча жамоалар кучли билимга эга зукко ўқувчилардан таркиб толган. Шунинг алоҳида эътирофи эътиборини истадимки, меҳмондўст ўзбекистонликлар бизни очиқ чеҳра, иззат-икром билан кутиб олишгани кайфиятимизга кўтаринкилик бахш этди. Юртингизнинг бой тарихий маданияти, гўзал табиати, мусаффо иқлими бизга унутилмас таассуротлар ҳада қилмоқда.

Халқаро олимпиада беллашувлари беш кун давом этади. Ҳали бундан 30 апрель куни муносиб тақдирланади.

Муборак ОХУНОВА,
Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Хитойда Ўзбекистон тасвирий санъати намойиши

Илгари хабар қилинганидек, Хитой Халқ Республикасининг турли ҳудудларида "Ўзбекистон замонавий тасвирий санъати" мавзусида кўргазмалар ўтказилди.

ҲАМКОРЛИК

Яқинда Цзянсу провинциясининг Нанкин шаҳрида жойлашган Жануби-Шарқий Осиё университетида мазкур провинциянинг Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси томонидан кўргазмалар туркумининг якуний тадбири бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консулиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Хитойнинг Чанчжоу, Янчжоу ва Сучжоу шаҳрларидан сўнг Нанкинда бўлиб ўтган кўргазмада танқили ўзбек рассомлари томонидан ишланган етмишдан ортқ тасвирий санъат асарлари намойиш қилинди. Катта қизиқиш билан қўйилган якуний кўргазма Хитой жамоатчилиги вакиллари билан иборат ўзбек тасвирий санъатининг кўп сонли мухлисларини ўз атрофига тўплади. Алоҳида қайд этиш

жоизки, улар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдиргани баробарида, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ҳам диққат-эътиборида бўлди.

Жануби-Шарқий Осиё университети вице-президенти Пу Юе мазкур кўргазма ўзбек халқининг ажойиб қадимий аъёнлари ва бой маънавий мероси билан бевосита танишиш ҳамда ўзбек рассомларининг ўзига хос ички оламини ҳис қилиш имкониятини берганини эътироф этди.

Пу Юе пу хитойлик санъатшунос ва дизайнерларнинг ўзбек тасвирий санъати намуналарини намойишини катта иштиёқ билан қарши олганлари ҳолда, ўзбек маданиятининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи суратлар кўргазмаси меҳмонларда

унутилмас таассурот қолдирганини билдирди. Шунингдек, вице-президент ҳозирги кунда Ўзбекистон олий ўқув юртлири билан ўзаро ҳамкорликда таълим дастурларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ҳам режалар ишлаб чиқилаётганини маълум қилди.

Цзянсу провинцияси Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг президенти У Сижун Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг янги йўналишлари, жумладан, Хитой халқ оғзаки ижоди ансамблларининг Навоий вилоятида ўтказиладиган "Асрлар садоси" аънавий маданият фестивалида иштирок этиши, Хитойнинг муҳим иқтисодий марказларидан бири ҳисобланадиган Цзянсу провинциясининг тарихи, маданияти, аъёнлари ва замонавий муваффақиятларига бағишланган тақдиримот маросимини Тошкент шаҳрида ўтказиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги мулоҳазаларини ўрдоқлашди.

Унинг фикрича, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, хусусан,

узумчилик тармоғида катта ютуқларга эришаётган Цзянсу провинцияси Ўзбекистон билан мазкур йўналишда ҳамкорлик олиб боришдан манфаатдордир.

У Сижун Ўзбекистонда хорижий тадбиркорлар учун қулай сармоявий муҳит ва улкан имкониятлар яратилганини эътироф этар экан, қуйидаги фикрларини билдирди: — Бугунги кўргазма Хитойнинг Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқалар олиб бораётган барча муассаса ва ташкилотлари учун муҳим аҳамиятга эгадир, — деди у. — Бағрида бебаҳо табиий неъматларни жамлаган Ўзбекистон замида иқтисодиёт билан бир қаторда, маданий-маънавий соҳалар, жумладан, тасвирий санъат ҳам жадал ривожланиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ва ўзаро манфаатли муносабатлар янада чуқурлашиб, янгидан-янги мазмун билан бойишига тилакдошман.

«Жаҳон» АА,
Нанкин

Реклама ва эълонлар

Вазирлик, идора, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эътиборига!

«Ўзметкомбинат» ОАЖ
КИСЛОРОД-КОМПРЕССОР ЦЕХИ
газсимон ва суюқ аргон (ГОСТ 10157-79) ишлаб чиқаради ва сотади.

Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.

Мурожаат учун телефон: (8-370 91) 3-43-81.
E-mail: kkc@uzbeksteel.uz

Манзил: Тошкент вилояти, 110502, Бекобод шаҳри, Ш. Айтметов кўчаси, 1-уй.

«CHAG'ATAY INVEST» МЧЖ
қуёш батареялари

- Универсал иситиш тизими
- Газ генератори
- Шамол генератори
- Микро ГЭС
- Электр генератор (габиел факторларисиз)

Тел.: 18-370 250-47-59,
(+99899) 170-06-39,
(+99899) 950-10-74, (+99899) 951-94-15.
Сайт: WWW.CHAGATAY.UZ МАКСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

томонидан 2013 йил 28 март ва 4 апрель кунлари ўтказилган оферта ҳамда аукцион савдоси натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг «KESHMARBLE» МЧЖ устав фондидаги банк улуши 2 016 633 000 сўмга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти балансидаги давлат рақами 01/307BCA бўлган «ГАЗ-31105» автомашина 15 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

САЛОМАТЛИК

Тропик минтақаларда ўсувчи папайя дарахти мевасининг бир қатор шифобахш хусусиятларга эгаллиги фанда ўз исботини топган.

«Қовун дарахти»дан шифобахш чой

Халқимиз орасида "қовун дарахти" деб юритиладиган бу неъмат буйрак, ошқозон касалликларини даволашда ҳамда кўз равшанлигини оширишда кенг қўлланилади.

Учкўприк туманидаги "Меҳригиё" хусусий корхонаси жамоаси ана шу мевадан қора ва кўк чой ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Пировардида 50 кишининг бандлиги таъминланди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда мазкур корхона жамоаси Тошкент фармацевтика институти ҳамда Хоразм Маъмур академияси каби бир қатор илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда доривор неъматининг янги турларини ишлаб чиқариш бўйича изланишлар олиб бораёпти. Ҳозир "Меҳригиё"да 77 турдаги шифобахш маҳсулот тайёрланмоқда.

Набижон СОБИРОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

LADA БИЗНЕС
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Спорт

Ҳиндистонда давом этаётган Осиё чемпионатида яна уч нафар ҳамюртимиз олтин медалларни қўлга киритди.

ЭРИН, ЮНОН-РУМ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР КУРАШИ

Жумладан, нуфузли мусобақада юнон-рум кураши бўйича совринли ўринлар учун беллашган Рустам Аскаловга, эркин кураш баҳсларида эса Рашид Қурбонов ва Умиджон Исмановга ўз вази тоифасида тенг келадиган рақиблар топилмади.

Осиё чемпионатининг дастлабки куни терма жамоамиз аъзоси Элимурод Тасмуродов (юнон-рум кураши) олтин медаль билан тақдирланганди.

Озарбайжонда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда эса терма жамоамиз аъзоларидан Аббос Раҳмонов олтин, Гулом Абдуллаев ва Санжар Машарипов бронза медаль билан тақдирланди.

ШАХМАТ

Пойтахтимизда биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган "Тошкент оупен" VII Халқаро турнири якунланди.

Швейцарча усулда тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада 7,5 очко жамғарган россиялик гроссмейстер Павел Малетин биринчи ўринни эгаллади. Еттидан очко тўплаган испаниялик Олег Корнеев ва қозғистонлик Анаур Исмағамбетов иккинчи ва учинчи ўринларни банд этди.

Турнирда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида энг кўп очко жамғаришга муваффақ бўлган ҳамюртларимиз Севара Боймуродова ҳамда Жаҳонгир Воҳидовга махсус соврин топширилди.

ҚЎЛ ЖАНГИ

Фарғонада ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада Ислон Норқўзиёв, Сайдулло Абдухамидов, Муҳаммад Тўраев ва Олим Нормуродов каби спортчилар голиб чиқдилар.

Энг кўп совринли ўринларга сазовор бўлган фарғоналик қўл жанги усталари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

ТЕННИС

Наманган шаҳрида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирнинг жуфтлик беллашувларида теннисчимиз Альбина Хабидулина ва украиналик Анастасия Васильева жуфтлик галаба қозонди.

Мусобақанинг яққалик баҳслари финалда грузиялик Оксана Калашниковани мағлубиятга учратган украиналик Надия Киченок бош совринни қўлга киритди.

КАРАТЭ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган жанг санъатлари Олимпиадасида ўзбекистонлик каратэчилардан Мурод Мустафоев, Мўйиддин Собиров биттадан олтин ва кумуш медалга сазовор бўлишди.

Фазлиддин АБИЛОВ
тайёрлади.

«Наманган наволари»

Косонсой туманидаги қадимий Муғтепа ёдгорлик қалъасида "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасидаги тадбирлардан бири — "Наманган наволари" маданият фестивали ўтказилди.

ФЕСТИВАЛЬ

Унда уч мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Анжуманда вилоят театри санъаткорларининг қўшиқ ҳамда рақслари қадимий урф-одат ва аъёнларимизни ўзига сингдирган миллий ўйинлар билан уйғуллашиб кетди. Хусусан, қосонсойлик дорбозлар, тўрақўрғонлик кураш усталари, бошқа туманлардан ташриф буюрган спортчи ёшларнинг кўргазмали чиқишлари гулдурос олқишларга сазовор бўлди.

Чуст ва Поп тумани хунармандлари томонидан ташкил этилган совгабоп пичоқлар, дўппи ва қулоллик буюмлари кўргазмаси ҳам кўпчилик эътиборини жалб этди.

Фестиваль ниҳоясида бир қатор иқтидорли ёшлар турли номинациялар бўйича мукофотланди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси университет ходимаси Махлума ОХУНЖОНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдаралик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти жамоаси гематолог, тиббиёт фанлари номзоди Баҳром НАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 822 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5